

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/05.06.2020 Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЕВ СИЁВУШ САИДАВЗАЛЗОДА

**“МИКРОИМПУЛСЛИ ТРАНССКЛЕРАЛ
ЦИКЛОФОТОКОАГУЛЯЦИЯ ЁРДАМИДА РЕФРАКТЕР
ГЛАУКОМАНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНАТИЖАЛАРИ”**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАТСИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the of Doctor of Philosophy (PhD)

Бобоев Сиёвуш Саидавзалзода

Микроимпульсли трансклерал циклофотокоагуляция

ёрдамида рефрактер глаукомани

комплекс даволаш натижалари3

Бобоев Сиёвуш Саидавзалзода

Результаты комплексного лечения рефрактерных

глауком с использованием микроимпульсной

трансклеральной циклофотокоагуляции27

Boboev Siyovush Saidavzalzoda

Results of complex treatment of

refractory glaucoma using

microimpulsive trasscleral

cyclophotocoagulation.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/05.06.2020 Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЕВ СИЁВУШ САИДАВЗАЛЗОДА

**“МИКРОИМПУЛСЛИ ТРАНССКЛЕРАЛ
ЦИКЛОФОТОКОАГУЛЯЦИЯ ЁРДАМИДА РЕФРАКТЕР
ГЛАУКОМАНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНАТИЖАЛАРИ”**

14.00.08 – Офталмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАТСИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.2.PhD/Tib2718 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Амин Абдуазизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Норматова Наргиза Миршавкатовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Юрьева Татьяна Николаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Абу Али Ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети.

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 04/05.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18. Tel./faks: (99866) 233 -07- 66) e-mail: sammu@sammu.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш. Амир Темур кўчаси, 18. Tel./faks:(99866) 233 -07- 66)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор;

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор;

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Ҳозирги вақтда глаукома дунё бўйлаб кўриш аъзоларининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири бўлиб, у кўрлик ва паст кўришга олиб келади. Ушбу касалликнинг тарқалиш даражаси мунтазам ортиб бормоқда. Халқаро кўрликнинг олдини олиш агентлиги (IAPB) маълумотларига кўра, «... бу касаллик ҳозирда қайтариб бўлмайдиган кўриш йўқотишининг носологик структурасида иккинчи ўринни эгаллайди. Глаукома сабабли кўрликка учраган одамлар сони ҳозирги кунда 10 миллиондан ортиқ бўлиб, келажакда бу кўрсаткичнинг дунё бўйлаб ўсиши кутилмоқда. Ажабланарли жиҳати шундаки, 45% ҳолларда глаукома биринчи марта жуда оғир ёки ҳатто терминал босқичда аниқланади».

Ушбу патологияни эрта ташхислаш ва даволашда эришилган муваффақиятларга қарамасдан, охириги пайтларда анъанавий даволаш усулларига қийин бўйсунадиган оғир глаукома шакллари билан шифокорга мурожаат қилувчи беморлар сони кўпаймоқда. Сўнгги йилларда микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция (МТЦФК) самарали равишда кўз ичи босимини пасайтириш ва оғриқ симптомларини камайтириш билан бирга, кўз тузилмасини сақлаб қолишга қодир бўлган истикболли усул сифатида намоён бўлди.

Дунё бўйлаб глаукоманинг рефрактер шакллари даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказилмоқда. Уларнинг орасида алоҳида ўрин неоваскуляр глаукома (НГ) билан боғлиқ тадқиқотларга берилмоқда. Рефрактер глаукомаларни даволаш ўзига хос хусусиятларга эга, чунки бу ерда беморларни бошқаришда ҳал қилинадиган анъанавий вазифалардан ташқари, оғриқли синдромни йўқ қилиш ёки камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу билан бирга, кўз оқини орган сифатида сақлаб қолиш керак бўлади. Бу йўналишда глаукомани даволашнинг янги хирургик усуллари, глаукома қурилмаларининг янги модификациялари, шунингдек, лазер билан даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда офтальмология касалликларига, айниқса, оғриқ синдроми билан кечувчи терминал глаукомага (ТГ) чалинган беморларни ногиронлик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олиш ва тиббий ёрдам сифатини жаҳон стандартларига мос равишда яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. Белгиланган вазифаларга қуйидагилар киради: «...тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини ва уни аҳолига етиб бориш даражасини ошириш, юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларини жорий этиш, тиббий стандартлаш тизимини яратиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларни олдини олиш, шунингдек, патронаж ва диспансеризация хизматларининг самарали моделларини яратиш...». Ушбу вазифалар глаукоманинг асоратлари натижасида келиб чиққан кўрлик ва ногиронлик ҳолатларини камайтиришга хизмат қилиб, аҳолининг кўриш аъзоларига оид касалликларни диагностика ва даволашда замонавий тиббий ёрдам даражасини янги поғонага кўтаришни таъминлайди. Шу билан бирга, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали тиббий ёрдам сифатини янада яхшилашга имкон яратади.

Ушбу диссертация тадқиқоти қуйидаги Президент фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларни ҳал қилишга маълум даражада ёрдам беради:

- 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармон;
- 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-4985-сонли «Фавқулудда тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармон;
- 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармон.

Шунингдек, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига махсус тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарор ва шу йўналишда қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги. Ушбу илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI бўлими — «Медицина ва фармакология» йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликларда терминал глаукома (ТГ) билан оғриқ синдроми (ОС) билан кечадиган беморларда диод лазерли транссклерал циклофотокоагуляция (ЦФК) танлов операцияси сифатида қўлланилиб келмоқда. Ушбу усул асосан кўз ичи босимини пасайтириш (ВГД) ва оғриқ синдромини камайтиришга қаратилган бўлиб, етакчи ўринларни эгаллайди (Гаврилова И.А., 2014; Гусев А.Н., 2016; Дробышева И.С., 2016). Гипотензив таъсир самарадорлиги 25% дан 86% гача ўзгарувчан бўлиб, операциядан кейин турли вақтларда оғриқ синдроми деярли 100% ҳолларда камайган (Дробница А.А., 2016; Поступаев А.В., 2015). Шу билан бирга, беморлар ЦФК пайтида оғриқлиликдан шикоят қилган ҳоллар ҳам кўп кузатилган (Егорова Э.В., 2013, 2015; Тахчиди Х.П., 2007). Гипотензив таъсирнинг номуайянлиги ва операциядан кейинги асоратлар ушбу усулнинг қўлланилишини чеклайди. Шу сабабли, нвЦФК ҳозирда ТГни даволашда охириги танлов сифатида қўлланилади (Гаврилова Т.В., 2012; Еричев В.П., 2003; Chang S.H., 2004; Пиев М.Е., 2007). Шу боис, терминал глаукомани даволашнинг самарали усулини топиш долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Транссклерал ЦФКнинг чекланганлиги микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция (МТЦФК) деб номланган янги ёндашувни ишлаб чиқишга туртки берди. МТЦФКни амалга оширишда махсус зонд қўлланилади, у лазер энергиясини қисқа импульсларга бўлиб, цилиар танага йўналтиради. «Ёқилган» цикл давомида 810 нм тўлқин узунлигига эга нур киприксимон танада эпителийсидаги меланин томонидан ютилади, «ўчирилган» цикл давомида эса лазер таъсирини учраган тузилмалар совийди (Aquino M.C., 2015; Tan A.M., 2010).

Микроимпульсли технология лазер энергиясини локаллаштирилган ҳудудга етиб боришини таъминлайди, шу билан бирга, атрофдаги тўқималарнинг шикастланиш хавфини камайтиради. Бу, кўз ичи босимини (КИБ) пасайтириш самарадорлигига таъсир қилмасдан, операциядан кейинги асоратларни

камайтиришга ёрдам беради (Ходжаев Н.С., 2018; Курьшева Н.И., 2020; Петров С.Ю., 2021; Emanuel M.E., 2017; Gavris M.M., 2017).

Адабиётларда микроимпульсли лазернинг пигмент эпителийга таъсир механизми ўрганилган бўлиб, у метаболик жараёнларни фаоллаштириш, моддалар транспортини таъминлаш, гематоретинал тўсиқни қўллаб-қувватлаш, сувоқликни резорбция қилиш ва нейропротектив, нейротрофик ҳамда ангиоген таъсирга эга бўлган ҳужайравий омилларнинг синтезини рағбатлантиришни ўз ичига олади (Буряков Д.А., 2016; Ricci F., 2004; Parodi M.V., 2006).

Маҳаллий олимлар томонидан ҳам диод лазерли транссклерал циклофотокоагуляциянинг самарадорлигини ўрганиш ишлари олиб борилган (Худойбердиев А.Р., Юсупов А.Ф.). Шунингдек, рефрактер глаукомани даволаш бўйича инновацион жарроҳлик усуллари ишлаб чиқилган (Билалов Э.Н., Бахритдинова Ф.А., 2019) ва ФДТни қўллаб комплекс даволаш усуллари яратилган (Билалов Э.Н., Миррахимова С.Ш., 2017). Комилов Х.М. Ўзбекистонда глаукома ва ёшга боғлиқ макуляр дегенерация эпидемиологиясини ўрганиш билан фаол шуғулланган (Комилов Х.М., Янгиева Н.Р., Хакимова З.К., 2023). Набиев М.А. глаукома жарроҳлиги бўйича янги ёндашувларни ва лазер методлари самарадорлигини ўрганган (Набиев А.М., Зоҳидов О.У., 2023). Туйчибаева Д.М. глаукомада нейрпатология ва нейродегенерация механизмларини, айниқса, ретинанинг ганглиоз ҳужайралар апоптозини ўрганган (Туйчибаева Д.М., Янгиева Н.Р., 2018). Агзамова С.С. эса Ўзбекистон шароитида глаукомани даволашнинг клиник жиҳатлари ва беморларнинг ногиронликка йўл қўймаслик чораларини ўрганган (Ризаев Ж.А., Шомуродов К., Агзамова С., 2020).

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Ушбу иш Самарқанд Давлат Тиббиёт Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ равишда «Хусусий ва умумий жарроҳлик ҳамда шошилиш тиббий ёрдамнинг янги технологиялари» мавзусида (давлат рўйхат рақами - 02090009) амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади: рефрактер (неоваскуляр) терминал оғриқли глаукомани микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция билан даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш ва унинг клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

неоваскуляр терминал оғриқли глаукомани МТЦФК ва комбинацияланган даволашдан (анти-VEGF терапиясини олдинги камерага юбориш + МТЦФК) кейинги рангдор парда ва киприксимон тананинг ултратовуш (УБМ) параметрлари динамикасини қиёсий таҳлилини ўтказиш;

МТЦФК томонидан неоваскуляр терминал оғриқли глаукомани даволашнинг клиник ва функционал натижаларини баҳолаш;

неоваскуляр терминал оғриқли глаукомани рецидивларида такрорий МТЦФК ва комбинациялашган усул (анти-VEGF терапиясини олдинги камерага юбориш + МТЦФК) даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш;

неоваскуляр терминал оғриқли глаукома билан оғриган беморларни юрутиш тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: сифатида рефрактер (неоваскуляр) терминал оғриқли глаукома ташхиси қўйилган, ёши 41 дан 90 гача бўлган 110 нафар бемор танланган. Ушбу беморлар 2021 йилдан 2024 йилгача Самарқанд Давлат Тиббиёт Университетининг кўп тармоқли клиникаси кўз касалликлари бўлимида ва “А.А. YUSUPOV” МЧЖ кўз даволаш марказида МТЦФК йўли билан даволанган.

Тадқиқотнинг предмети: неоваскуляр глаукома билан оғриган беморларни анкета усулида сўроқ қилиш, шунингдек, ушбу касалликка чалинган беморларда олдинги камера бурчаги ва рангдор парданинг ҳолатини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: умумий ва махсус офтальмологик усуллар қўлланилган, жумладан, ультразвукли биомикроскопия, гониоскопия, беморларни анкеталаш (ВАШ), шунингдек, статистик маълумотларни қайта ишлаш усуллари қўлланилган.

Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, неоваскуляр терминал оғриқли глаукомаси бўлган беморларда микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни қўллагандан кейин узок муддатли (3 йил) кузатув натижаларига асосланиб, кўз орган сифатида сақлаб қолинганлиги ва ногиронликнинг олдини олинганлиги билан ҳаёт сифатини яхшиланган;

илк бор, микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляция ва анти VEGF терапия билан комбинатсияланган даволашдан олдин ва кейин оғриқ синдроми, оғриқ визуал-аналог шкаласи ёрдамида баҳоланган, ҳамда оғриқнинг интенсивлиги даволашдан кейин статистик жиҳатдан аҳамиятли камайгани исботланган;

неоваскуляр терминал оғриқли глаукомаларда микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни қўллаш натижасида кўз ички суюқлигининг ишлаб чиқарилишининг камайиши, кўз ички босимининг дастлабки кўрсаткичидан сезиларли даражада пасайиши ва беморларда гипотензив кўз томчиларига бўлган эҳтиёжининг камайиши аниқланган;

неоваскуляр терминал оғриқли глаукома билан касалланган беморлар кўз олманинг олдинги камерасига ангиогенез ингибиторлари юбориб, микроимпулсли транссклерал циклофотокоагуляция ўтказиш орқали комплекс даволаш усули такомиллаштирилган ва натижада рангдор пардадаги паталогик васкуляризациянинг регрессиясини тезлаштиришга ҳамда интраокуляр асоратлар хавфи камайишига эришилган

Тадқиқотнинг амалиётдаги натижалари қуйидагилардан иборат: терминал босқичдаги рефрактер глаукома билан оғриган беморларда (хусусан, неоваскуляр глаукома ҳолатида) микроимпульс транссклераль циклофотокоагуляция усулини қўллаш тавсия этилади, чунки бу усул кўз ички босимини барқарор пасайтириш ва оғриқ синдромини йўқотишга имконият беради;

неоваскуляр глаукомаси бўлган беморларда энг яхши клиник натижаларга эришиш учун МТЦФКни анти-VEGF терапия билан бирга қўллашни кўриб чиқиш лозим, бу кўз ички босимини самарали назорат қилиш ва касалликнинг ривожланиш хавфини камайитиришга ёрдам беради;

киприксимон тананинг қалилигини мониторинг қилиш учун ультратовуш биомикроскопияни мунтазам ўтказиш даволаш самарадорлигини баҳолаш ва касалликнинг рецидивини прогнозлаш имконини беради. Цилиар тананинг қалинлиги камайиши терапиянинг ижобий таъсирини кўрсатади;

беморларда субъектив оғриқ ҳисларини баҳолаш учун оғриқ визуал аналог шкаласини (ВАШ) қўллаш, ҳаёт сифати ва терапия самарадорлигини объектив равишда назорат қилиш имконини беради. МТЦФК ўтказилган беморларда оғриқ ҳиссини сезиларли даражада камайганлиги қайд этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: тадқиқот натижаларининг ишончлилиги етарли сондаги беморлар, замонавий методлар ва таҳлил усуллари, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, текширувларнинг методологик аниқлиги ва объектив клиник, офтальмологик, лаборатор ва статистик тадқиқотлар билан тасдиқланган. Диагностика ва даволаш натижаларининг махсус хусусиятлари халқаро ва маҳаллий тажрибага нисбатан таққосланди. Хулоса ва олинган натижалар тиббий статистика методлари билан тўғри тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, улар неоваскуляр глаукомани даволаш бўйича тадқиқотлар соҳасига катта ҳисса қўшади ва охириги босқичдаги оғриқ синдромини даволашнинг асосий усули сифатида МТЦФК фойдаланиш самарадорлигини исботлайди. Натижалар, шунингдек, киприксимон танаси ва рангдор парданинг ултратовуш параметрлари ва улардан лазер таъсирининг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланиш ҳақидаги тушунчамизни кенгайтиришга имкон беради.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, неоваскуляр терминал оғриқли глаукома билан оғриган МТЦФК кўз ички босими, оғриқ синдроми ва томизилган антиглаукоматоз дорилар миқдорини камайтиришда самарадорлиги исботланган. Неоваскуляр терминал оғриқли глаукома билан оғриган беморларни бошқариш учун ўзгартирилган алгоритм ҳам ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш. Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 14 сентябр 2024 йилдаги 9369-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор, неоваскуляр терминал оғриқли глаукомаси бўлган беморларда микроимпульс транссклерал циклофотокоагуляцияни қўллагандан кейин узоқ муддатли (3 йил) кузатув натижаларига асосланиб, кўз орган сифатида сақлаб қолинганлиги ва ногиронликнинг олдини олинганлиги билан ҳаёт сифатини яхшиланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* микроимпульс транссклерал циклофотокоагуляциянинг 3 йил давомидаги самарадорлигига оид маълумотлар, бу усулнинг барқарор таъсирини кўрсатади. Глаукома касаллиги билан боғлиқ ногиронликнинг олдини олиш ва кўзни сақлаб қолишга қаратилган тадқиқот натижалари, ушбу усулнинг юқори самарадорлигини исботлади. *Илмий натижаларни амалиётга жорий этиш:* илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Джиззах филиали клиник амалиётига (2024 йил 29 апрель, №23 буйруқ), Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Самарқанд филиали клиник амалиётига (2024 йил 30 апрель, №58-У

буйруқ) жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни кўллаш натижасида, глаукома билан аниқланган беморларнинг кўз органи сақлаб қолиниши ва ногиронликнинг олдини олиниши мумкин. Бу, ўз навбатида, беморларнинг ижтимоий фаоллигини сақлаб қолишга ёрдам беради ва уларнинг ишлаш қобилиятини оширади. Глаукома билан оғриган шахслар учун ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшиланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* шундаки, микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляция усулининг кўлланилиши, анъанавий даволаш усуллариغا нисбатан камроқ ресурс ва вақти талаб этади. Масалан, кўзга амалий операциялар ва қатор узок муддатли даволашларнинг ортиқча харажатлари ортиқча қолдиради. Бу усул беморларнинг узок муддатли кузатувларини камайтириб, бепул ёки кам харажатли даволаш имкониятини яратади.

Иккинчи илмий янгилик: илк бор, микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляция ва анти VEGF терапия билан комбинатсияланган даволашдан олдин ва кейин оғриқ синдроми, оғриқ визуал-аналог шкаласи ёрдамида баҳоланган, ҳамда оғриқнинг интенсивлиги даволашдан кейин статистик жиҳатдан аҳамиятли камайгани исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Оғриқ визуал-аналог шкаласи орқали оғриқ интенсивлигини аниқлаш, даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолашда муҳим инструмент ҳисобланади. Неоваскуляр терминал оғриқли глаукомаларда, оғриқнинг интенсивлигини оғриқ визуал-аналог шкаласи орқали камайишини аниқ кўрсатган. Бу кўлланилган даволаш усуллари оғриқни самарали ва статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада камайтиришга имкон бериши, уларнинг клиник аҳамиятини тасдиқлайди. Даволашдан олдин ва кейин оғриқнинг камайиши, оғриқ визуал-аналог шкаласи асосида натижаларни баҳолаш, янги терапия усуллариининг натижадорлигини фақат илмий, балки клиник жиҳатдан ҳам яққол кўрсатади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Джиззах филиали (2024 йил 29 апрель, №23 буйруқ) ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Самарқанд филиалларида клиник амалиётга (2024 йил 30 апрель, №58-У буйруқ) жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Агар беморлар даволаш жараёнида оғриқнинг интенсивлигини сезиларли даражада камайтирса, бу уларнинг турмуш тарзига ва ижтимоий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаётганини кўрсатади. Даволаш усуллариини кўллаш орқали оғриқ камайиши оғриқ визуал-аналог шкаласига қарата таърифланган натижалар, беморлар учун нафақат физик ҳолат, балки руҳий ҳолатнинг яхшиланишига ҳам олиб келади, натижада ижтимоий фаоллик ва ҳаёт сифат ошиши мумкин. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* шундаки, Оғриқнинг интенсивлигини оғриқ визуал-аналог шкаласи орқали баҳолаш, даволаш усуллариининг самарадорлигини аниқ кўрсатишга ёрдам беради. Агар микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляция ва анти VEGF терапияси оғриқни оғриқ визуал-аналог шкаласида статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада камайтирса, бу узок муддатда беморлар учун ҳаёт сифати ошишига олиб келади. Шунга мувофиқ, тез даволаш ва камроқ даволаш курслари

талаб этилиши мумкин, бу эса тиббий харажатларни камайтиришга ва иқтисодий самарадорликни оширишга ёрдам беради.

Учинчи илмий янгилик: неоваскуляр терминал оғриқли глаукомаларда микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни қўллаш натижасида кўз ички суюқлигининг ишлаб чиқарилишининг камайиши, кўз ички босимининг дастлабки кўрсаткичидан сезиларли даражада пасайиши ва беморларда гипотензив кўз томчиларига бўлган эҳтиёжининг камайиши аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни қўллаш натижасида кўз ички суюқлигининг ишлаб чиқарилиши ва кўз ички босими сезиларли даражада камайиши аниқланди. Бу натижа, глаукома беморларини даволашда мураккаб тиббий манипуляцияларга эҳтиёжни камайтириб, кўз ички босимини назорат қилишда самарадорликни ошириши мумкин. Шунга қўшимча, антиглаукоматоз кўз томчиларига бўлган эҳтиёжнинг камайиши, даволаш жараёнининг қулайлигини ошириб, беморларга янада самарали ва фаол ҳаёт кечириш имконини яратади. *Илмий натижаларни амалиётга жорий этиши:* илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Джиззах филиали клиник амалиётига (2024 йил 29 апрель, №23 буйруқ), Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Самарқанд филиали клиник амалиётига (2024 йил 30 апрель, №58-У буйруқ) жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни қўллаш натижасида кўз ички босимининг пасайиши ва антиглаукоматоз кўз томчиларига эҳтиёжнинг камайиши, беморлар учун кундалик ҳаёт сифатида ижобий ўзгаришлар олиб келиши мумкин. Оғриқ ва кўзнинг ҳолатини янада самарали бошқариш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ва турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беради. Шу билан бирга, гипотензив томчиларга камроқ эҳтиёж сезилиши тиббий хизматларнинг оғирликларини камайтириб, беморларга кўпроқ қулайликлар яратиши мумкин. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни асосий даволаш усули сифатида қўллаш гипотензив кўз томчиларига сарфланадиган 450 000 сўмни тежаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, умумий даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтиради, чунки беморларга кўп йиллар давомида антиглаукоматоз кўз томчиларига сарфланадиган маблағни ўрнига бир мартаги самарали даволаш усулини қўллаш имконини яратади. Микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляциянинг самарадорлиги билан 100 нафар бемор учун умумий тежалган маблағ 45 000 000 сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич ушбу усулнинг тиббий харажатларни камайтириш ва молиявий самарадорлигини яққол кўрсатиб беради, шу билан бирга, тиббий тизимлар учун муҳим иқтисодий фойда келтиради.

Тўртинчи илмий янгилик: неоваскуляр терминал оғриқли глаукома билан касалланган беморлар кўз олманинг олдинги камерасига ангиогенез ингибиторлари юбориб, микроимпулсли транссклерал циклофотокоагуляция ўтказиш орқали комплекс даволаш усули такомиллаштирилган ва натижада рангдор пардадаги паталогик васкуляризациянинг регрессиясини тезлаштиришга ҳамда интраокуляр асоратлар хавфи камайишига эришилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* неоваскуляр терминал оғриқли глаукома билан касалланган

беморларда кўз олманинг олдинги камерасига ангиогенез ингибиторлари юбориш ва микроимпулс транссклерал циклофотокоагуляцияни қўшма равишда қўллаш, комплекс даволаш усулини такомиллаштиришга имкон беради. *Илмий натижаларни амалиётга жорий этиш:* илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Джиззах филиали клиник амалиётга (2024 йил 29 апрель, №23 буйруқ), Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббий маркази Самарқанд филиали клиник амалиётга (2024 йил 30 апрель, №58-У буйруқ) жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* бу янги комплекс даволаш усули, беморларнинг ҳолатини яхшилашга ва уларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Рангдор пардадаги васкуляризациянинг регрессияси ва интраокуляр асоратлар хавфининг камайиши, кўзларнинг турмуш тарзига таъсирини камайтириб, беморлар учун ижтимоий фаолликни оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга, мазкур даволаш усули ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим, чунки бу усулнинг самарадорлиги кўплаб беморларга тез ва аниқ даволаш имкониятини беради, бу эса умумий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Ангиогенез ингибиторларини (рамизумаб) олдинги камерага юбориш орқали анти VEGF терапиясини 3 та курс эмас, балки фақат битта курс олиш орқали иқтисодий самарадорликка эришилди. Бу усулнинг иқтисодий самарадорлиги, шунингдек, кўплаб беморлар учун харажатларни камайтиришга имкон беради. Мисол учун, бир инъекциясининг нархи 2 590 400 сўмни ташкил этганини ҳисобга олсак, 3 курс даволаш учун 7 771 200 сўм сарфлаш керак бўлар эди. Бироқ, бирта курс билан бир хил самарадорликка эришиш, умумий 2 590 400 сўмни тежаш имконини беради. Бу 100 нафар бемор учун умумий тежалган маблағ 259 040 000 сўмни ташкил этади. Демак, янги даволаш усули иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтиради, тиббий хизматларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтиришга йўл очади.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналлар да нашр этилган. Тезислардан 3 та Ўзбекистон Республикасида нашр этилган. Илмий тадқиқот ишига оид 2 та услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган бўлиб, амалиётга татбиқ этилган. Шу билан бир қаторда 1 та ЭҲМ дастур гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, хулосалар, амалий тавсиялар ва ҳаволалар рўйхатидан иборат. Ишнинг матнли материалнинг ҳажми 117 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланади, объект ва предметни тавсифлайди, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён етилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган. ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий етиш, нашр етилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши.

Диссертациянинг «**Рефрактер (неоваскуляр) глаукома даволаш усулларининг эволюцияси: микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция – истиқболли йўналиш (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг ҳозирги ҳолати хорижий адабиётлар асосида таҳлил қилинган. Боб 4 бўлимдан иборат бўлиб, улар муаммонинг долзарблигини асослайди, рефрактер глаукома билан оғриган беморларни бошқариш бўйича замонавий ғояларни тақдим этади ва уларни даволашга замонавий ёндашувларни таҳлил қилади. Адабиётлар шарҳи асосан сўнгги 15 йил ичида олиб борилган тадқиқот маълумотлари асосида ўтказилди.

Диссертациянинг "**Тадқиқот материаллари ва усуллари**" деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг хусусиятлари келтирилган ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Клиник тадқиқотлар Самарқанд Давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг кўз касалликлари кафедраси ва "А.А. Юсупов МЧЖ" тиббий-диагностика маркази клиникаси базасида ўтказилди.


Тадқиқотга юқори кўз ичи босими билан иккиламчи неоваскуляр терминал оғриқли глаукомаси бўлган жами 110 бемор (110 кўз) киритилган ва куйдаги беморларга МТЦФК даволаш усули утказилган.

Амалга оширилган даволаниш натижалари асосида беморлар 3 та гуруҳга тақсимланди:

- *1-гуруҳ*: 62 бемор МТЦФК ўтказилгандан сўнг рецидив кузатилмаган беморлар гуруҳи. Бу гуруҳдаги беморларда МТЦФК дан сўнг кўзда оғриқ кузатилмаган, КИБ нинг стабил пасайиши кузатилган ва куйдаги гуруҳдаги беморлар динамикада кузатилди;

- *2 гуруҳ*: 23 та рецидив кузатилган беморлар гуруҳи. Бу гуруҳдаги беморларда МТЦФК дан сўнг кўзда оғриқ пайдо бўлиши ва КИБнинг ошиши кузатилган. Куйдаги беморларга васкуляризация даражасини инobatга олинган холда (3-4 даража асосан) комбинатсиялашган даволаш усули кулланилган — ранибизумаба анти VEGF терапияси (ангиогенез ингибиторлари) юборилган ва 10 -14 кундан сўнг МТЦФК ўтказилган

- *3 гуруҳ*: 25 та рецидив кузатилган беморлар гуруҳи. Бу гуруҳдаги беморларда МТЦФК дан сўнг кўзда оғриқ пайдо бўлиши ва КИБнинг ошиши кузатилган. Куйдаги беморларга васкуляризация даражасини инobatга олинган холда (3-4 даража асосан) такрорий МТЦФК кўлланилган



***1-расмда.** Беморларда энг кўп учраган қўшимча касалликлар тuzилиши тақдим этилган. Унда диабетик ретинопатия, тўр парда марказий венаси тромбози ва кўзнинг бошқа касалликлари (бирламчи глаукома, жароҳатлар, увеал глаукома) кўрсатилган.*

Беморлар жинс ва ёшга кўра тақсимоти келтирилган. Энг кўп беморлар 61-70 ёш гуруҳига тўғри келади (43,6%). Эркаклар орасида эса 61-70 ёшлар (44,8%) ва 51-60 ёшлар (31%) гуруҳлари устун. Аёллар орасида энг кўп беморлар 51-60 ёшлар (38,5%) ва 61-70 ёшлар (42,3%) гуруҳларига тегишли. беморлар ёши 46 дан 82 ёшкача ўзгаради ва ўртача ёш $62,7 \pm 8$ ёшни ташкил қилади.

Даволанишдан кейинги динамика 36 ой давомида кузатилди. Кузатув давомида клиник ва функционал параметрларни (КИБ, биомикроскопик параметрлар, УБМ, МККЎ), ВАШ бўйича оғриқ синдромининг оғирлигини, шунингдек беморларнинг ҳаёт сифатини қиёсий баҳолаш амалга оширилди.

Тадқиқот гуруҳларида қўлланилган даволаш усулларининг тавсифи

Барча гуруҳлардаги беморларга микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция (МТЦФК) **Subcyclo** режимида **Supra-810** аппаратида (Cvatel Med фирмаси) ўтказилган. Энергия даражаси 2000 мВтни ташкил этган. Лазер ускунаси (наконечник) юзаки ва пастки лимблар бўйлаб, 180° ёки 360° меридиан бўйича 80 сония давомида ҳаракатлантирилган. Шу билан бирга, цилиар танага зарар етказмаслик учун соат 3 в 9 соҳаларига лазер таъсир килинмади.

Анти-VEGF терапия. 2-гуруҳдаги беморларга даволашнинг иккинчи босқичида МТЦФК дан олдин анти-VEGF терапия ўтказилган. Бу терапия Ўзбекистон Республикасида расман рўйхатдан ўтган *ранибизумаб* препарати ёрдамида амалга оширилган. Ранибизумаб эндотелиал ўсиш фактораси А (VEGF-A) га қарши йўналтирилган гуманизацияланган моноклонал антитана ҳисобланади.

Неоваскуляр терминал глаукомада ранибизумабни (анти-VEGF) интракамерал юбориш техникаси

Тайёргарлик ва анестезия. Ушбу манипуляция стерильлик таъминланган кичик операция хонаси ёки махсус лазер кабинети шароитида амалга оширилади. Кўзга 0,5% проксиметакаин еритмаси билан томчилаб анестезия ёки зарур ҳолларда парабульбар анестезия қўлланилади. Манипуляциядан аввал операция майдони 5% бетадин (тери) ва 1% повидон-йод (конъюнктива) билан ишлов берилади. Блефаростат ўрнатилади.

Парацентез. Шох пардадан 1,5–2 мм масофада, одатда, пастки ташки квадрантда, 15° пичоқ ёки микроланцет ёрдамида парацентез амалга оширилади. Жуда юқори кўз ичи босими (КИБ) ҳолатларида эҳтиёткорлик билан кўз ичи суюқлигининг кичик қисми (0,1–0,2 мл дан ортиқ бўлмаган) олиб ташланиши мумкин.

Ранибизумабни интракамерал юбориш. Шприцга 30G ўлчамли игна билан 0,1–0,2 мг (0,01–0,02 мл) доза препарат тортилади; оғир ҳолатларда доза 0,5 мг гача оширилиши мумкин. Игна парацентез орқали радужкага параллел равишда киритилади, препарат секинлик билан жорий этилади. Бу КИБнинг кескин ошиш хавфини олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Парацентез герметиклиги текширилади, зарур ҳолларда, ўз-ўзидан ёпиладиган кесим техникаси қўлланилади.

Операциядан кейинги даволаш. Инфекцияларни олдини олиш учун антибиотик томчилар қўлланилади. Қисқа муддатли стероид томчилар ёзилиши ҳам мумкин.

Қўшимча МТЦФК. Инъекциядан 10–14 кун ўтиб, микроимпулсли транссклерал циклофотокоагуляция (МТЦФК) ўтказилади. Бу КИБни янада камайтириш ва натижаларни мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилади.

Ранибизумабни интракамерал юбориш ва унга қўшимча МТЦФКни қўллаш неоваскуляр терминал глаукома касаллари учун самарали ва хавфсиз даволаш усули ҳисобланади. Ушбу усул оғриқ синдромини камайтириш, КИБни назорат қилиш ва кўзнинг функцияларини сақлаб қолиш имконини беради.

Диссертациянинг **«Неоваскуляр глаукома билан оғриган беморларнинг дастлабки клиник ва функционал параметрлари»** деб номланган учинчи бобида даволанишдан олдин беморларда клиник ва функционал тадқиқотлар, биомикроскопия ва ултратовуш биомикроскопияси натижалари келтирилган.

1-жадвалда тадқиқ этилган гуруҳлардаги неоваскуляр глаукомали (НВГ) беморларда қўлланилган медикаментоз даволаш усулларига оид маълумотлар келтирилган.

Бир гипотензив препарат қўлланиши: 1-гуруҳ: 19,4%; 2-гуруҳ: 21,7%; 3-гуруҳ: 22,4%.

Икки гипотензив препарат қўлланиши: 1-гуруҳ: 48,4%; 2-гуруҳ: 43,4%; 3-гуруҳ: 48%.

Учта ёки ундан ортиқ гипотензив препарат қўлланиши: 1-гурух: 32,3%; 2-гурух: 30,4%; 3-гурух: 29,6%.

Тадқиқ қилинган гуруҳлардаги беморларнинг аксарияти (тахминан 45–48%) икки антигипертензив препарат қабул қилган, бу касалликнинг ўртача оғирлик даражаси учун стандарт ёндашувларга мос келади. Учта ёки ундан ортиқ препарат қўлланиши барча гуруҳларда деярли бир хил улушда кузатилган бўлиб, бу касаллик оғирлигининг ўхшашлигини тасдиқлайди.

Медикаментоз терапияни тайинлаш бўйича гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмади ($p > 0,05$). Шунинг учун НВГ билан касалланган беморларни даволаш схемалари унификацияланган бўлиб, касалликнинг оғирлик даражасига мос равишда тайёрланган.

НВГ билан оғриган беморларда турли хил даволаш усулларида фойдаланиш частотасини таҳлил қилиш лазер процедураларидан тортиб дренажлар имплантларини ўрнатишгача бўлган турли хил ёндашувларни кўрсатди (2-жадвал).

Жадвал 1

Тадқиқот гуруҳларида неоваскуляр глаукома билан оғриган беморларда олинган дори-дармонларни даволаш таҳлили натижалари.

дорилар сони	Гуруҳ 1 (n=62)		Гуруҳ 2 (n=23)		Гуруҳ 3 (n=25)	
	n	%	n	%	n	%
1 гипотензив дори	12	19,4	5	21,7	6	22,4
2 гипотензив дорилар	30	48,4	11	43,4	12	48
3 ёки ундан кўп гипотензив дорилар	20	32,3	7	30,4	7	29,6

* - тадқиқот қилинган гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларда $p < 0,05$ даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар кузатилмади

Жадвал 2

Неоваскуляр глаукома билан оғриган беморларда олдинги даволаш усулларида тарқалишини таҳлил қилиш натижалари.

Гипотензив дорилар	гурухи 1 (n=62)		гурух 2 (n=23)		гурух 3 (n=25)	
	n	%	n	%	n	%
Панретинал лазер коагуляция	52	83,9	19	82,6	21	84
Лазер иридотомияси	14	22,6	4	17,3	6	24
анти-VEGF терапия	40	64,5	11	47,8	11	52
АГО турли хил модификациялари	51	82,3	20	86,9	20	88
Глаукоматоз имплантлар ўрнатиш (дренажлар)	-	-	-	-		

* - тадқиқот қилинган гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларда $p < 0,05$ даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар кузатилмади

НВГ билан оғриган беморларнинг умумий намунасида рангдор парда (NVI) ва иридокорнеал бурчакдаги (NVA) неоваскуляризация даражасини таҳлил қилиш шундан далолат бердики, неоваскуляризациянинг оғирлик даражаси турлича бўлиб, юқори даражадаги шикастланиш устунлик қилади (3-жадвал).

Жадвал 3

Умумий танланган беморларда рангдор парда ва иридокорнеал бурчакдаги неоваскуляризация даражаси бўйича Weiss and Gold шкаласига асосан олинган натижалар

Рангдор парда неоваскуляризацияси (NVI)						
	гурухи 1 (n=62)		гурух 2 (n=23)		гурух 3 (n=25)	
	n	%	n	%	n	%
даража 1	30	48	-	-	6	24
даража 2	32	52	-	-	14	56
даража 3	-	-	15	65,2	5	20
даража 4	-	-	8	34,7	-	-
Иридокорнеал бурчакнинг неоваскуляризацияси (NVA)						
	n	%	n	%		
даража 1	28	45,1	-	-	6	24
даража 2	34	54,8	-	-	15	60
даража 3	-	-	16	69,5	4	16
даража 4	-	-	7	30,4		

* - тадқиқот қилинган гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларда $p < 0,05$ даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар кузатилмади

Жадвал 4

Беморларнинг кўзларида ултратовуш биомикроскопиясининг асосий параметрлари.

Белгилари	гурухи 1 (n=62)	гурух 2 (n=23)	гурух 3 (n=25)
Киприксимон тана қалинлиги мм (M±m)	0,88±0,16	0,91±0,18	0,86±0,18
Олдинги камера бурчаги	24 (38,7)	-	5 (24)
ОКБ нормада	38 (61,3)	5 (21,7)	19 (76)
ОКБ торайган n (%)	-	13 (78,2)	-
ОКБ епик n (%)	-	-	-
Киприксимон тана усимтаси эхогенни ошган n (%)	58 (93,5)	21 (91,3)	23 (92,8)
ОКБ да мембраналар ва фиброз структуралар мавжудлиги, n (%)	22 (35,5)	10 (47)	11 (44)
Рангдор парданинг қалинлиги, мм (M±m)	0,68±0,12	0,73±0,12	0,71±0,13
Рангдор парда илдизининг олдинги жойлашуви, n (%)	54 (87,1)	20 (86,9)	22 (88)

* - тадқиқот қилинган гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларда $p < 0,05$ даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар кузатилмади


Неоваскуляр глаукомада ултратовуш биомикроскопияси (УБМ) касалликнинг ривожланиши билан боғлиқ бир қатор ўзгаришларни аниқлайди. 4-жадвалда неоваскуляр глаукома билан оғриган беморларнинг икки гуруҳи учун ултратовуш биомикроскопияси (УБМ) натижалари кўрсатилган.

Неоваскуляр глаукома билан оғриган беморларда УБМ параметрларини таҳлил қилишда киприксимон тана, олд камера бурчаги ва рангдор парда

сезиларли ўзгаришлар аниқланди. Киприксимон тананинг қалинлашиши, унинг эхогенлигининг ошиши, олд камера бурчагининг торайиши ва ёпилиши, шунингдек, фиброз тузилмалар ва мембраналарнинг кўп миқдорда мавжудлиги кузатилмоқда.

Диссертациянинг «даволанишдан кейинги динамикада тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг кўзларининг клиник ва функционал параметрларини баҳолаш натижалари» тўртинчи бобда даволанишдан кейинги тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг кўзлари ҳолатини кузатиш натижалари келтирилган. Тадқиқотлар қуйидаги даврларда ўтказилди: 1, 6, 12, 24 ва 36 ойларда.

2-расмда тадқиқотдаги гуруҳларда беморлар ўртасида даволашдан кейин бир йил давомида визуал-аналог шкаласи (ВАШ) бўйича оғриқ синдроми интенсивлиги ўзгаришининг динамикаси тасвирланган. 3 – расмда эса визуал-аналог шкаласи тасвирланган.




2-расм. Тадқиқотдаги гуруҳларда беморлар ўртасида ВАШ (баллар) бўйича оғриқ синдроми интенсивлиги кўрсаткичининг динамикаси. (*-дастлабки кўрсаткич билан солиштирганда фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган, $p < 0,05$).



3-расм. Оғриқ Визуал-аналог шкаласи (ВАШ). 0 дан 1 гача оғриқ йоқ, 2 дан 3 гача энгил оғриқ, 4 дан 5 гача ўртача оғриқ, 6 дан 7 гача кучли оғриқ, 8 дан 9 гача жуда кучли оғриқ ва 10 чидаб бўлмас оғриқ

Тадқиқот гуруҳларида даволанишдан кейин КИБ мониторинги даволанишдан кейин 1, 6, 12, 24 ва 36 ой ичида амалга оширилди. 4-расмда даволанишдан кейинги йил давомида иккита тадқиқот гуруҳидаги беморларда ўртача КИБ динамикаси кўрсатилган. Шундай қилиб, даволаниш иккала гуруҳда ҳам самарали бўлди, аммо 2-гуруҳ янада барқарор ва узоқ муддатли натижаларни кўрсатди, бу эса ушбу гуруҳдаги беморларнинг яхшироқ даволаш усулини ёки индивидуал хусусиятларини кўрсатиши мумкин.



4 – расм. Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг кўзларида даволанишдан кейин ўртача КИБ қийматларининг динамикаси. (*- фарқлар $p < 1$ да гуруҳ 0.05 маълумотлар билан солиштирганда статистик муҳим $p < 0,05$ бўлган).

Неоваскуляр глаукомаси бўлган беморларда гипотензив томчилардан фойдаланиш частотасининг динамикаси 1, 6, 12, 24 ва 36 ойдан сўнг 1-, 2- ва 3-гуруҳлардаги беморларда гипотензив томчилардан фойдаланиш частотасининг динамикаси таҳлил қилинди.

1 ойдан сўнг 1-гуруҳдаги беморларнинг 35,5% гипотензив томчиларга эҳтиёж сезмаган, бу кўрсаткич 2- ва 3-гуруҳларда юқори бўлган (мос равишда 52,1% ва 55,1%). Монотерапия 1-гуруҳдаги беморларнинг 64,5% да кузатилган бўлиб, бу 2- ва 3-гуруҳлар билан солиштирганда юқори (мос равишда 47,9% ва 45,9%). Комбинацияланган терапияга бўлган эҳтиёж минимал даражада бўлган.

6 ойдан сўнг гипотензив томчиларга эҳтиёж сезмаган беморларнинг улуши барча гуруҳларда камайган: 1-гуруҳда 19,4%, 2-гуруҳда 9,3% ва 3-гуруҳда 6,9%. Монотерапия энг кенг қўлланиладиган режим бўлиб қолган: 1-гуруҳда 64,5%, 2-гуруҳда 51,2% ва 3-гуруҳда 45,7%. Комбинацияланган терапияга ўтган беморлар улуши ошган, айниқса 2- ва 3-гуруҳларда.

12 ойдан сўнг гипотензив томчиларга эҳтиёж сезмаган беморлар улуши яна ошган: 1-гуруҳда 25,3%, 2-гуруҳда 27,1% ва 3-гуруҳда 23,8%.

Монотерапия асосий режим бўлиб қолган: 1-гуруҳда 62,9%, 2-гуруҳда 58,3% ва 3-гуруҳда 60,4%. Комбинацияланган терапияга эҳтиёж пасайган.

24 ва 36 ойдан сўнг гипотензив томчиларга бўлган эҳтиёжнинг секин-аста ортгани кузатилган, аммо 2-гуруҳда ВГДни назорат қилишда кўрсаткичлар нисбатан барқарор бўлган.

Шундай қилиб, 2-гуруҳда беморларда комбинирланган даволашнинг барқарор самараси кўпроқ кузатилгани ВГД назорати самарадорлигини тасдиқлайди.

5-расмда барча гуруҳларда даволашдан кейин 3 йил давомида киприксимон тана қалинлигининг динамикаси кўрсатилган. Даволаш бошланганидан *бир ой ўтгач*, барча гуруҳларда киприксимон тана қалинлиги бошланғич кўрсаткичларга нисбатан камайгани кузатилди: 1-гуруҳда 0,68 мм, 2-гуруҳда 0,67 мм ва 3-гуруҳда 0,65 ммгача. Ушбу ўзгаришлар терапиянинг бошланғич самарадорлигидан далолат беради, унинг мақсади киприксимон тананинг шиш ва яллиғланишини камайтиришдан иборат бўлиб, бу эса кўз ичи суюқлиги (КИС)нинг увеосклерал оқиб чиқишига ёрдам беради.

6 ойдан кейин 1-гуруҳда киприксимон тана қалинлиги барқарор равишда 0,65 мм даражада сақланиб қолди. Шу билан бирга, 2 ва 3-гуруҳларда қалинлик мос равишда 0,86 мм ва 0,8 ммгача ошгани қайд этилди. Бундай ошиш яллиғланиш ва шишнинг бартараф этилишидан кейин киприксимон тана тўқималарининг тикланиш фазаси ҳамда терапевтик таъсирнинг қисман сусайиши билан боғлиқ. 3-гуруҳда МТЦФК усули бўйича такроран процедура ўтказилди, 2-гуруҳда эса анти-VEGF препаратлари ва МТЦФКни ўз ичига олган комбинирован терапия тайинланди.


